

Коррупцияга қарши курашиш бўйича норматив-хукуқий хужжатлар базасини янгилаб бориш

2023 йил 9 июнда “Солик қўмитасининг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида” буйруғи қабул қилинди.

Ушбу буйруқ билан тасдиқланган Сиёсатга кўра, коррупцияга қарши курашишга қаратилган фаолиятни амалга оширишда солик тизими қонунийлик, коррупцияга нисбатан муросасизлик, очиқлик ва шаффоффлик, превентивлик, тизимлилик жамоатчилик назорати, коррупция билан боғлиқ хуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги, очиқлик ва шаффоффлик, ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, раҳбариятга тўғридан-тўғри мурожаат, коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш каби тамоилларига таянади.

Шу билан бирга, Солик қўмитасининг “Солик хизмати органлари, қўмита тасарруфидаги идора, ташкилот ҳамда ўқув муассасаларида хизмат текшируви ва хизмат ўрганиши ўtkазиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” буйруғи қабул қилиниб, Солик қўмитаси тизимида хизмат текшируви ўtkазишини ташкил этиш тўғрисидаги Регламент тасдиқланди.

Солик хизмати органлари, қўмита тасарруфидаги идора, ташкилот ҳамда ўқув муассасаларида юзага келган салбий ҳолатлар ва фавқулодда ҳодисалар ҳақидаги ахборотларни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида буйруқ қабул қилиниб, солик органлари, қўмита тасарруфидаги ташкилот ва ўқув муассасаларида юзага келган салбий ҳолатлар ва фавқулодда ҳодисалар ҳақида зудлик билан тақдим этиладиган маълумотлар рўйхати тасдиқланди.

Коррупциянинг олдини олиш борасида рақамли технологиялардан фойдаланиш

Таъкидлаш лозим, соҳада коррупция ҳолатларини олдини олишда рақамли технологияларнинг кенг татбиқ этилиши муҳим қадамлардан бири бўлди.

Таъкидлаш лозимки, соҳада коррупция ҳолатларининг олдини олишда рақамли технологияларнинг кенг татбиқ этилиши муҳим қадамлардан бири бўлди.

Солик тўловчини ҳисобга олишдан тортиб мажбуриятини бажаришгача бўлган жараён автоматлаштирилди.

Солик тўловчиларга қулайлик яратиш, соликка оид ҳисоб-китоб жараёнларини соддалаштириш ва иқтисодиётда хуфиёна айланмаларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олишни таъминлаш мақсадида сўнгги йилларда «Марказий маълумотлар базаси» «э-ижара», «э-имтиёз», «Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари», «Солик текширувлари», «Автоматлаштирилган камерал назорат тизими», «ҚҚСни қайтариш», «Ташқи манба» каби янги дастурий

маҳсулотлар технологик жиҳатдан бутунлай янги ягона платформа асосида ишлаб чиқилди.

2023 йилда **7 та** янги дастурий маҳсулот ишлаб чиқилди, **10 та** тизим такомиллаштирилди.

Жумладан, «Солиқчи-кўмакчи» тамойили асосида «Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти» (Маҳалла инспектори) дастурий маҳсулоти ишлаб чиқилди.

Ушбу тизим маҳаллалардаги бевосита ҳар бир солиқ тўловчи жисмоний шахснинг, тадбиркорнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ўрганиш, уларга проактив шаклда хизмат кўрсатиш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратишда солиқ органлари ходимларининг иштироки ва имкониятларини тўлиқ ишга солиш орқали солиқ базасини кенгайтиришга хизмат қиласди.

Шунингдек, солиқ хавфи мезонлари асосида текширишларни инсон омилисиз тайинлашни амалга ошириш ҳамда солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ назоратини минималлаштириш мақсадида Солиқ хавфларини бошқариш тизими (Риск-анализ) такомиллаштирилди. Ҳозирда ушбу тизимда солиқ тўловчиларнинг солиқ хавфлари **300 га** яқин мезонлар асосида автоматик тарзда аниқланади.

Солиқ тўловчиларга электрон хизмат кўрсатиш соҳасида 2023 йил мобайнида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, солиқ тўловчиларга хизматлар кўрсатиши қулай ва танлов асосида амалга ошириш учун Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (мй.гов.уз) 2023 йил мобайнида солиқ органларининг **5 та** янги хизмати ишга туширилиб, жами хизматлар сони **28 тага** етказилди.

Шунингдек, электрон солиқ хизматлари порталида (мй.солиқ.уз) солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар сони **50 тага** етказилди. Жумладан, 2023 йил мобайнида солиқ қарзларини бўлиб-бўлиб тўлаш ёки кечикириш, айланмадан олинадиган солиқ тўловчи юридик шахс ва ЯТТлар учун қатъий суммадаги солиқ режимига ўтиш, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини қайтариб олиш йўналишларида **5 та** янги хизмат ишга туширилди.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва коррупцияга қарши курашиш йўналишида кўникмаларни ошириш

Солиқ хизмати органларининг барча ходимлари учун “Солиқ органларида коррупциянинг олдини олиш чоралари” мавзусида ўқув-семинар машғулотлари ўтказилиб келинмоқда. Мазкур семинарлар доирасида Фискал институтда ҳар ойда ўртача **980 нафар** ходим қайта тайёрлов курсларида малака ошириди.

Коррупцияга қарши курашишда алоқа каналлари воситасидан фойдаланиш

Солиқ құмитаси тизимида ходимлар хатти-харакаттарининг қонунийлигига, одоб-ахлоқ нормаларыга риоя қилишга, шунингдек, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилишини олдини олишга қаратылған алоқа каналлари узлуксиз фаолият юритмоқда.

Хусусан, құмитанинг расмий сайтида «Коррупцияга қарши кураш» бўлими асосий ойнага ўтказилди. Алоқа каналлар бўйича тўлиқ янгиланиб, солиқ органининг **«Ишонч телефонлари»**, Шахсий хавфсизлик тузилмаларининг телефон рақамлари, телеграм тармоғидаги **«@dsq_antikorrupsiya_bot»** канали, **«Электрон солиқ хизматлари»** портали ва бошқа каналлар тўлиқ эълон қилинди.

2023 йилнинг декабрь ойида **«9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни»** муносабати билан солиқ тўловчиларнинг уяли алоқа телефонларига алоқа каналлари бўйича СМС хабарлари юборилди.

2023 йилнинг биринчи ярмида солиқ хизмат органи ходимларининг ноқонуний хатти-харакатлари юзасидан алоқа каналлари орқали келиб тушган мурожаатларнинг **70,2 фоизи** мурожаатчиларнинг муаммолари ҳал этиш орқали кўриб чиқилған ва **10 фоизи** бўйича ходимларга тегишли чоралар кўрилған. Мурожаатларнинг **19,8 фоизи** ўз тасдифини топмаганлиги сабаб тутатилди.

Коррупцияга қарши курашишда бевосита Шахсий хавфсизлик тузилмаси томонидан амалга оширилган ишлар

2023 йил давомида:

- салбий ҳолатларни содир құлмаслик юзасидан **3 926 нафар** ходим билан алоҳида профилактик тарбиявий сухбатлар ўтказилди;
- турли солиқ текширувларини ўтказишга сафарбар қилинган ходимлар билан **50,3 минг** сухбатлар ўтказилиб, **тилхатлар** олинди;
- жами **1 842 та хизмат текшируви ва хизмат ўрганишлари** ўтказилиб, **1 242 та** ҳолатда ҳужжатлар ҳукуқий баҳо бериш учун ҳукуқни ҳимоя қилиш органларига юборилди.

Ўтказилган хизмат текшируви ва ўрганишлари якуни билан давлат бюджетига **452 та** корхона бўйича жами **386 млрд сўм** солиқ ва тўловлар қўшимча ҳисoblаниб, шундан **112 млрд сўм** давлат бюджетига ундирилди.

Эришилган натижалар бўйича қисқача

Солиқ құмитаси марказий аппарати 2021 йил август ойида **ИСО 37001:2016** коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларга мувофиқлик сертификатини қўлга киритган.

Кўмитанинг мувофиқлик сертификати химояси юзасидан 2023 йил август ойида 2-боскич аудити мувваффақиятли ўтказилди ҳамда мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати узайтирилди.

Солиқ органи ўзининг коррупцияга қарши сиёсатида белгилаб олган асосий тамойилларидан келиб чиқиб, коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириб боради ҳамда коррупциядан ҳоли давлат органи сифатида тан олиниши учун барча чораларни кўради.

soliqnews